*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 114 (8604). ● 14 июнь, 1985 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

# КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА— 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК!

## *СТАХАНОВЧАСИГА ИШЛАМОҚДАЛАР*

ОБЛАСТЬ юк ташиш автомобиль тресги коллективи ўн биринчи беш йиллик ва унинг якунловчи йилида юксак меҳнат кўрсаткичларига эришиш, КПССнинг навбатдаги XXVII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашмоқда. Трестнинг барча корхоналарида ва колонналарида меҳнат ғайрати тобора авж олаяпти. Кўпчилик коллективлар зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун янги-янги резервлар ва имкониятларни ишга солмоқдалар.

Бу трест бўйича юк ташиш топшириқларини ортиғи билан бажарилишига ёрдам бермоқда. Коллектив шу йилнинг беш ойида дуруст ишлади. Мавжуд автомашиналар паркидан фойдаланишни яхшилаш, илғор иш усуллари ва ватанпарварлик ташаббусларини кенг ёйиш туфайли мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти сезиларли даражада ортди. Шу давр мобайнида 21,5 миллион тонна халқ хўжалиги юклари белгиланган манзилларига етказиб берилди. Бу планда назарда тутилганидан бир процент кўпдир. Айни вақтда юк оборотини оширишда янада юқорироқ натижаларга эришилди. Пландагига нисбатан тўрт процентдан кўпроқ ортди. Бу мингларча тонна турли-туман юкларни қўшимча ташиш имконини беради.

Трест шофёрлари қўлга киритилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш ҳамда зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан уддалаш учун мусобақа байроғини янада баланд кўтармоқдалар. Шу туфайли июнь ойида графикдан ўзиб ишланмоқда.

**М. МАҲМУДОВ.**

## ДЕҲҚОНЛАРГА КЎМАКДОШМИЗ

КОЛЛЕКТИВИМИЗ шарафли ва масъулиятли вазифани бажаришга даъват этилган. Биз пойтахт областимизнинг қатор районларида кенг кўламда мелиорация ишларини амалга ошираяпмиз.

Шуни қувонч билан маълум қилиш мумкинки, коллективимиз зиммасидаги бу вазифаларни умуман муваффақиятли бажармоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилидаги ишимиз кўрсаткичлари кўнгилдагидек бўлди. Давлат плани анча ортиғи билан адо этилди. Топшириқдагидан ташқари ўнларча минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

Якунловчи йилни юксак меҳнат натижалари билан нишонлашга астойдил бел боғлаган коллективимиз ўтган беш ойлик топшириқни ҳам муваффақиятли уддалади. Қўшимча ўзлаштирилган капитал маблағ ҳажми йигирма минг сўмликдан кўпроқни ташкил этди. Бунда моҳир бинокор С. Остапчук раҳбарлигидаги бригада аъзоларининг ҳиссаси каттадир. Бизнинг коллективимиз ҳам унга ўз улушини қўшмоқда. Бир-бири билан ўзаро беллашаётган коллективларимиз доим планни ортиғи билан бажармоқдалар. Ҳар ойдаги ўртача иш кўрсаткичимиз 130 процентни ташкил этмоқда.

**У. ЭРГАШЕВ,**
**Бўстонлиқдаги 4-механизациялашган кўчма колонна бригадири.**

## УНУМДОРЛИК ҲИСОБИГА

Область йўл қурилиш бошқармаси коллективи зиммасига катта ва масъулиятли вазифалар юклатилган. Бошқарма ишчи-хизматчилари янги йўллар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш каби ишларни бажаришяпти.

Коллективнинг «КПСС XXVII съезди шарафига— 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида бошланган ватанпарварлик ташаббусида фаол қатнашиши яхши самара бермоқда. Бу меҳнат кўтаринкилиги иш натижаларининг янада салмоқли бўлишига олиб келаяпти. Натижада қурилиш-монтаж ишлари бўйича беш ойлик топшириғи ортиғи билан адо этилди. Бунга асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Бу кўрсаткич ўтган беш ойда анча юксалди. У пландагига нисбатан 8,7 процент ортиқ бўлди. Шунинг ҳисобига бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 300 минг сўмликни ташкил этди.

Коллектив бундай натижаға кўп жиҳатдан мавжуд асбоб-ускуналардан оқилона фойдаланиш, оғир жараёнларни такомиллаштириш, қўл меҳнати сарфини камайтириш, илғор иш усулларини қўлланиш туфайли эришмоқда.

**М. ХАМИДОВ.**

## ФАН—ТЕХНИКАНИНГ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН

### ЛАБОРАТОРИЯДАН —ДАЛАГА

Фан-техника ютуқларини тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этишда илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари тармоғини ривожлантириш катта аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашда йирик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари тармоғини ривожлантириш соҳасидаги бутун ишга янги омил бахш этиш жуда муҳимлиги уқтириб ўтилди. Бундай бирлашмалар фан-техника тараққиётининг ҳақиқий масканлари бўлиб қолиши кераклиги кўрсатилди.

**Бизнинг бирлашмамизда ҳам замонавий фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этиш учун амалий чоралар кўрилмоқда. Жумладан, «Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда шамол эрозиясига қарши курашнинг математик моделини яратдик. У шамол кучли бўладиган зоналарда муваффақиятли синовдан ўтди. Ана шу илмий ечимни қишлоқ хўжалигига жорий этиш ҳар гектар ер ҳисобига 192 сўмлик иқтисодий самара бериши аниқланди.**

Ҳозирги пайтда биз нотекис ерларни суғориш пайтида сув эрозиясига қарши самарали кураш олиб боришнинг математик моделини яратишни ниҳоясига етказмоқдамиз. Бундай майдонларда энг мақбул эгат олиш учун зарур мосламалар яратиш устида ҳам иш бошлаб юборилди. Сув эрозиясига қарши курашнинг математик моделини қишлоқ хўжалигига жорий этиш ҳам катта иқтисодий самара келтирди.

КПСС Марказий Комитетидаги кенгаш материалларини чуқур ўрганаётган бирлашмамиз олимлари ва мутахассислари фан ва техника тараққиётини жадаллаштиришга кўпроқ ҳисса қўшиш, илмий ечимларни тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан тадбирлар белгилаяптилар. Бу тадбирларнинг изчил амалга оширилишини ҳам таъминлаймиз.

**М. ЗИЕХЎЖАЕВ,**
**«Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораториясининг мудири, техника фанлари доктори.**

### ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН

КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланиб ўтказилган кенгаш материалларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдамиз. Айниқса, партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг докладн барча машинасозларимизда катта таассурот қолдирди. Унда партиямиз иқтисодий сиёсатининг туб масаласи ҳисобланган фан-техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасида эришилган ютуқлар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар, совет кишилари олдида турган катта ва масъулиятли вазифалар батафсил таърифлаб берилган.

Ҳаммага маълумки, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда машинасозлик етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда экономиканинг бу тармоғини ривожлантиришга эътибор йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Истиқболда унинг тараққиётини янада жадаллаштириш назарда тутиляпти. Биз ҳам машинасозлик корхонасида ишлаётганимиз билан фахрланамиз. Коллективимиз қўлидан чиқаётган «зангори кема»лар мамлакатимиз пахтакорларининг оғирини енгил қилмоқда. «Оқ олтин» етиштириш технологиясини такомиллаштириш, умуман, пахтачиликни комплекс механизациялашдан иборат улуғвор вазифанинг амалга оширилишига хизмат қилмоқда.

Корхонамиз машинасозлари пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш қатори уларнинг янги турларини тайёрлашни ўзлаштириш йўлида тинмай изланиш олиб бормоқдалар. Коллективимиз билан конструкторлар ўртасида азалдан давом этиб келаётган яқин ҳамкорлик яхши натижалар бермоқда. Ишлаб чиқараётган машиналаримизнинг техник-иқтисодий даражаси муттасил ортиб бормоқда. Яқинда пахтакорларга герметик кабинали агрегатлар етказиб бериш йўлга қўйилди.

Лекин олдимизда катта вазифалар турибди. Уларни муваффақиятли уддалаш учун ҳали кўп куч-ғайрат сарфлаш талаб қилинади. Ишлаб чиқаришни юксалтириш, техника тараққиётини жадаллаштириш бунга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам бу соҳада катта ишлар амалга оширилмоқда. Заводимизни реконструкция қилиш ишлари давом этяпти. Эски асбоб-ускуналар янгилари билан алмаштирилмоқда. Программали бошқариладиган станоклар ва бошқа такомиллашган серунум агрегатлар ўрнатилмоқда. Бу тадбирларнинг ҳаммаси пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг такомиллашган турларини тайёрлашни ўзлаштиришимизга ёрдам беради.

**Б. ДАДАМУҲАМЕДОВ,**
**«Ташсельмаш» заводининг бригада бошлиғи.**

### ҲАР ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ

Мамлакат халқ хўжалигини социал-иқтисодий ривожлантиришда коллективларнинг иш натижалари билан меҳнатга ҳақ тўлашни бир-бирига мувофиқлаштириб олиб бориш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачёв фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашда алоҳида таъкидлаб ўтгани бежиз эмас, албатта. Илғор иш методларини, жумладан, бригада пудрати системасини янада такомиллаштириш, биринчидан, меҳнаткашлар моддий манфаатдорлигини оширса, иккинчидан, мамлакат халқ хўжалигини янада ривожлантириш имконини беради. Бунга бригадамиз аъзолари эришаётган ютуқлар мисолида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Коллективимиз деҳқонлари уч йилдан буён пудрат усулида иш юритмоқдалар. Ўтган давр ичида ҳосилдорликни ошириш эвазига ялпи даромад 22 процентга, колхозчиларимизнинг ойлик маошлари 11 процентга кўпайди. Таннарх эса 74 процентга арзонлашди. Бундан ташқари ҳар гектар ернинг самарадорлигини 11 процентга оширдик. Илгари бир гектар ердан 91 сўмлик беда пичани етиштирилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич беш баравар ўсди. Энг муҳими, пудрат усулини қўллаш натижасида бригадамизда ўзаро ҳамкорлик кучайди, меҳнат интизоми қатъий йўлга қўйилди. Колхозчиларимиз ўз вазифаларига нисбатан виждонан ва ҳалол муносабатда бўлмоқдалар.

Бригадамиз деҳқонлари эришган пировард-натижа хўжалигимиздаги бошқа коллективларни ҳам қизиқтирди. Ҳозирги кунда 4 та пахтачилик бригадаси ҳам пудрат усулида иш юритяпти. Ишончимиз комилки, бу коллективлар ҳам илғор усул туфайли пахтадан мўл ҳосил етиштириб, ўз олдиларига қўйилган вазифаларни шараф билан адо этадилар.

**Е. ВОХИДОВ,**
**Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз ем-хашакчилик бригадасининг бошлиғи.**





◆ **СОЦИАЛИСТИК мусобақа ташаббускорлари — илғор пахтакорлар сафи тобора кенгаймоқда. Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг Э. Очилов бошлиқ бригадаси деҳқонлари ҳам 65 гектар ернинг ҳар гектаридан кам деганда 45 центнердан ҳосил етиштириш учун кураш олиб бормоқдалар. Шу мақсадда улар ғўза парваришини кун сайин кучайтирмоқдалар. Агротехника тадбирларининг маромида бажарилиши учун ҳар бир қулай имкониятдан унумли фойдаланмоқдалар. Суратларда: (ўнгда) бригаданинг моҳир сувчиси Очил Мирсобиров; (чапда) ғўзага сув қўйилмоқда.**

А. Абалян фотолари.

## ҲАМКОРЛИК САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА

Кечки пайт бригада бошлиқлари одатдагидай бўлим идорасига йиғилишди. Ҳар ким ўз коллективида бажарилган ишлар ҳақида қисқача ҳисобот берди. Сўнгра ғўзага ишлов беришни янада кучайтириш юзасидан ўзаро маслаҳатлашиб олишди. Суҳбатга бўлим бошлиғи Худойберди Гелдиев якун ясагач, бригада бошлиқлари аниқ кўрсатмалар олиб, тарқалишди.

Шу тариқа навбатдаги вазифаларни бамаслаҳат режалаштириб олиш Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг Х. Гелдиев бошлиқ 2-бўлими пахтакорлари учун одат тусига кириб қолган. Бу ғўза парваришини намунали йўлга қўйиш имконини бермоқда.

— Деҳқонларимиз КПСС XXVII съезди шарафига ҳар йилгидан мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилишган,— дейди бўлим бошлиғи Х. Гелдиев.— Шу мақсадда 563 гектар майдонга экилган барака уруғини бехато ундириб олдик. Айни кунларда ғўзаларни бир текисда баравж ривожлантириш учун ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида, сифатли амалга оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Бу ўринда тажрибали пахтакорларнинг маслаҳат ва кўрсатмаларидан унумли фойдаланяпмиз.

Бўлимда ғўза парвариши комплекс равишда олиб борилмоқда. Ишлов бериш, озиқлантириш, сув тараш ва бегона ўтга қарши кураш оби-тобида амалга ошириляпти. Бу борада Юсуф Хиснулин, Холмурод Жўраев, Нишонбой Абдусатторов сингари механизаторларнинг ҳиссалари, айниқса, катта бўлмоқда. Улар ўз агрегатларини унумли ишлатиб, кунига 8—9 гектардан майдонга ишлов беришга эришмоқдалар.

Пайкалларда мўл ҳосил тўплаш, айниқса, сувчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Шу кунларда сувчининг эҳтиётсизлиги оқибатида ғўза оби ҳаётга қондирилмаса ёки, аксинча, кўллатиб суғорилса, пайдо бўлаётган ҳосил тугунларини тўкиб юбориши ҳеч гап эмас. Улар, айниқса, тунги суғоришга катта эътибор бермоқдалар. Чунки ғўза тунда суғорилса ҳам илдизидан, ҳам баргидан озиқланиб, бўлиқ ва ҳосилдор бўлиб ўсади. Бўлимнинг Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Сайфи Хушмуродов, Беркали Акиев, Бектўра Жумаев сингари илғор пахтакорлар бошлиқ бригадаларида бу ишга катта масъулият билан ёндашилмоқда. Шу боисдан ҳам бўлим ғўза парваришида хўжалик бўйича пешқадамликни қўлдан бермаётир.

**А. МУСТАФОЕВ.**

СЎЗ — ТАШАББУСКОРЛАРГА

## СЎТАЛАР БЎЛИҚ, СЕРДОН БЎЛАДИ

ҲАР куни эрта тонгда дала айланар эканман, кўкка бўй чўзаётган баравж маккажўхори ниҳолларини кўриб қалбим қувончга тўлади. Чунки қиш анча чўзилиб кетган бу йилги оғир шароитга қарамай, ерга барака уруғи қадашни тўрт иш кунида тугалладик. Яганани ўз вақтида ўтказиб, гектарида 55 минг тупдан кўчат қолдирдик. Ҳозиргача маккажўхори ниҳолларини мўлжалдаги чопиқдан, шунингдек, культивациядан чиқардик. Гектарига 200 килограммдан селитра солиб озиқлантирдик.

Бу йил 47 гектар ерга дон учун маккажўхори, 17 гектар ерга эса лавлаги экканмиз. Ниятимиз ҳар гектар ердан 75 центнердан макка дони, 600 центнердан озуқабоп лавлаги етиштиришдан иборат. Бу биз учун эгалласа бўладиган марра. Чунки бунинг учун имкониятларимиз ҳам, тажрибаларимиз ҳам етарли. Ўтган йили кўп йиллик тажрибаларимизга таяниб макка дони ҳосилдорлигини 72 центнерга, озуқабоп лавлаги ҳосилдорлигини эса 700 центнерга етказган эдик. Натижада тўрт йиллик топшириқни ошириб бажариб, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг Қизил байроғини қўлга киритдик.

Эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш экинлар парваришини кучайтириб, ҳар бир агротехник тадбирни муддатида сифатли ўтказишни тақозо этади. Шу кунларда биз тез-тез культивация қилиб, маккажўхори ниҳоллари қатор ораларини юмшатаяпмиз. Ишлов бериш жараёнида гектарига 350 килограммдан минерал ўғит солаяпмиз. Шунинг учун тупроқ майин бўлиб, маккажўхорининг ўсиши тезлашмоқда.

Бригадамиз аъзолари май ойининг охиридан бошлаб суғоришни бошлаб юбордилар. Биз маккажўхори сўта бойлагандан то ҳосилини йиғиштириб олингунга қадар ердан намни узмаймиз. Шароитга қараб шарбат оқизамиз. Чунки шундай қилинганда, сўталар тўлиқ ва сердон бўлади.

Лавлаги парвариши ҳам осон эмас, анча сермашаққат иш. Бригадамиз аъзоларининг аҳиллиги туфайли бу экинни яганалашни ҳам сифатли тугалладик. Бир марта қатъий агротехника қоидалари асосида ишлов бериб, аммофос ўғити билан озиқлантирдик.

Меҳнатимизнинг унумли бўлишида ишни пудрат асосида ташкил этганлигимиз қўл келмоқда. Бригадамиз ишчилари моддий манфаатдорликнинг ортиши меҳнат самарасига боғлиқ эканлигини жуда яхши билишади. Биз механизаторга ойига 200 сўмдан, сувчиларга 150 сўмдан, ишчиларга 100 сўмдан иш ҳақи белгилаб қўйганмиз. Шунинг учун ҳам бригадамизда меҳнат қилаётган 23 нафар ишчининг ҳар бири ўзига ишониб топширилган ишга виждонан ёндашмоқда. Бу эса пировард натижада маккажўхори ва лавлаги экинларининг яхши ривожланишига олиб келмоқда.

Ҳозирги кунларда асосий эътиборни ёввойи ўтларга қарши курашга қаратяпмиз. Ойша Мамедова, Гугач Амрулова, Гули Козимова, Саримгул Содиқова каби чопиқчиларимиз пайкалларда бирорта ҳам бегона ўтни қолдирмасликка ҳаракат қилишяпти. Механизаторимиз Асан Амрулов эса ўз агрегатидан унумли фойдаланмоқда. Фотали Собитов, Искандар Ҳайдаров, Карим Шоҳбозов сингари сувчиларимиз эса ҳар бир ниҳолни оби-ҳаётга қондириб суғормоқдалар.

Мен ўн бир йилдан буён маккажўхоричилик бригадасига етакчилик қиламан. Турмуш ўртоғим ва икки нафар фарзандим ҳам бирга ишлашади. Ўтган давр мобайнида ҳалол меҳнат қилиб, ердан меҳрини аямаган киши мўл ҳосил олишига қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Маълумки, баъзи жойларда маккажўхори пишиб етилгунча астойдил меҳнат қилинади-ю, уни йиғиштириб олишга келганда эса эътиборсизликка йўл қўйилади. Натижада ҳосилдорликка путур етади. Сўталар қуриб, йиғиштириб олинаётганда ерга тўкилиб нобуд бўлади. Қуриб-қовжираб қолган маккажўхори поясидан жамғарилган озуқа эса сифатли бўлмайди.

Биз бунга йўл қўймаймиз. Айни кунларда бригадамиз деҳқонлари экинлар парваришини намунали олиб бориш билан бир қаторда маккажўхори ўрим-йиғимига ҳам тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар. Амалга ошираётган ишларимиз бу йил ҳам ваъдага вафо қилишимиздан далолат бериб турипти.

**К. КОЗИМОВ,**
**Пискент районидаги «КПСС XXVI съезди» совхози 6-бўлимининг маккажўхоричилик бригадаси бошлиғи.**

## СЕНАЖ ЖАМҒАРИШ ҚИЗҒИН

ОҲАНГАРОН районидаги Собир Раҳимов номли совхознинг ем-хашак етиштиришга ихтисослаштирилган Мамадали Холдовов бошчилигидаги 5-бўлими меҳнаткашлари сенаж жамғаришни жадаллаштириб юбордилар. Чорва қишлови учун мўл озуқа жамғаришда Сулаймон Серкабоев бошлиқ звенонинг Ҳаким Абдураҳмонов, Анорбой Умаров сингари механизаторлари ғайратшижоат кўрсатиб ишламоқдалар. Ўрозали Сафаров ва Омон Отахонов каби ишчилар эса ўриб олинаётган озуқаларни пешма-пеш майдалаб, прицепларга юкламоқдалар. Транспорт тракторлари ҳайдовчиси Илҳом Норбоев тайёрланган сенажни ўз вақтида сут-товар фермасидаги махсус хандақларга етказиб бермоқда.

Звено аъзолари бу йил 40 гектар майдондаги жавдарнинг ҳар гектаридан пландаги 200 центнер ўрнига 400 центнердан озуқа етиштиришга бел боғлашган. Улар ўрим-йиғим ишларини тез кунда ниҳоясига етказадилар.

**Қ. ОДИНАЕВ.**

## ҲУРМАТ ТАХТАСИ

**Пилла етиштириш ва давлатга сотиш бўйича планни муддатидан олдин бажарганликлари учун қуйидагилар область «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.**

### ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

**К. Маркс номли колхоз** (раиси Т. Орипов, партия ташкилотининг секретари Т. Тошпўлатов, касаба союз ташкилотининг раиси И. Ҳошимов, комсомол ташкилотининг секретари Х. Айнақулов, пиллачилик агротехниги Х. Тоғаева ўртоқлар).

### БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

**«Новгород» совхози** (директори Ш. Норпўлатов, партия ташкилотининг секретари Н. Алмедов, касаба союз ташкилотининг раиси Р. Қолдабоев, комсомол ташкилотининг секретари Н. Гулметов, пиллачилик агротехниги М. Мирзабоев ўртоқлар).

### БЎКА РАЙОНИ БЎЙИЧА

**«Кремль» совхози** (директори У. Иброҳимов, партия ташкилотининг секретари Х. Худоёров, касаба союз ташкилотининг раиси В. Алепин, комсомол ташкилотининг секретари Н. Шойзоқов, пиллачилик агротехниги А. Қўзиев ўртоқлар).

### ПИСКЕНТ РАЙОНИ БЎЙИЧА

**Тельман номли колхоз** (раиси С. Қодиров, партия ташкилотининг секретари Н. Зиёвиддинов, касаба союз ташкилотининг раиси У. Бўриев, комсомол ташкилотининг секретари И. Бўриев, пиллачилик агротехниги Х. Бекназарова ўртоқлар).

### ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ БЎЙИЧА

**Навоий номли колхоз** (раиси У. Исроилов, партия ташкилотининг секретари А. Саидхўжаев, касаба союз ташкилотининг раиси Т. Абдураупов, комсомол ташкилотининг секретари З. Чинтошев, пиллачилик агротехниги С. Муротқосимова ўртоқлар).

### ПАРКЕНТ РАЙОНИ БЎЙИЧА

**«Гулбоғ» совхози** (директори И. Отажонов, партия ташкилотининг секретари М. Муродов, касаба союз ташкилотининг раиси М. Уматалиев, комсомол ташкилотининг секретари М. Ғуломов, пиллачилик агротехниги А. Ризаев ўртоқлар).

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети халқ депутатлари область Советининг XIX чақириқ II сессияси 1985 йил 17 июнь соат 11 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида (Шароф Рашидов проспекти, 9) очилишини маълум қилади.

Депутатлар шу ерда соат 9 дан бошлаб рўйхатга олинадилар.

**Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети.**

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1983 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

ИДЕОЛОГИК ИШГА ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИК

# ТУРМУШ ТАРЗИМИЗНИНГ ЖОЗИБАСИ

Янги кишини камол топтириш, меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш район партия ташкилоти олиб бораётган идеологик ишнинг асосий вазифаларидан биридир. Бу ишда совет турмуш тарзининг ажралмас қисми, миллий маданият, халқ анъаналари, интернационализм ва халқлар дўстлиги ғояларини ўзида яққол ифодалаган янгича маросимлар ва урф-одатларнинг роли бекиёс каттадир. Инсонни улуғлаш, уни Ватан бахт-саодати йўлида меҳнат қилишга даъват этувчи янги анъаналарни шакллантириш борасида районимизда муайян ишлар қилинмоқда.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини ошириш соҳасидаги ишлар партия ташкилотларининг таклиф ва мулоҳазалари ҳисобга олинган ҳолда тузилган ҳамда совет органлари фаолиятининг таркибий қисми бўлиб қолган перспектив план асосида олиб борилаяпти. Унга кўра социал-маиший, маданий объектларни қуриш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Фақаттина ўтган йилнинг ўзида У. Юсупов номли аграр саноат бирлашмаси ва «Коммунизм» колхозида янги маданият саройлари қурилди. Маданий-оқартув муассасалари, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари кенгайиб боряпти. Ўтган йили 2 та янги клуб, 2 та кутубхона, пойабзал цехи, 5 та «зангори экран» устахонаси, 2 та магазин, 2 та кафе очилди.

Ҳозир район хўжаликларида универмаг, маиший хизмат уйи, мебель салон-магазини, ошхона, кафе ва бошқа объектлар қурилаяпти. Уларни шу йилнинг охиригача фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Социал маданий-маиший муассасалар моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш, янгича маросим ва анъаналарни ҳаётга кенгроқ жорий этиш билан яқиндан шуғулланиш имконини бермоқда. Бу масала партия ташкилотлари, маҳаллий Советларнинг доимий диққат марказида турипти. Район партия комитети, шунингдек, қишлоқ ва посёлка Советлари қошида янги маросим ва урф-одатларни пропаганда қилиш ҳамда уларни меҳнаткашлар турмушига жорий этиш бўйича кенгашлар ишлаб турипти. Улар турмуш тарзини янада такомиллаштириш, оммани ғоявий-сиёсий, илмий-атеистик, юксак маънавий поклик, ҳарбий-ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашга қаратилган ташкилий-сиёсий тадбирлар комплексини муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

Районимизда меҳнат байрамлари сермазмун, кундалик амалий, хўжалик ва ижтимоий вазифаларга боғлиқ ҳолда ўтказилмоқда. Бу уларнинг таъсирчанлигини, тарбиявий аҳамиятини оширмоқда. «Наврўз байрами», «Пахта байрами», ишлаб чиқариш илғорларини шарафлаш каби маросимлар совет турмуш тарзининг ёрқин кўринишига айланмоқда.

Ҳар йили йиғим-терим арафасида ўтказиладиган «Пахта байрами» райондаги барча меҳнаткашлар учун ҳам катта шодиёнага айланиб кетади. Бу куни район марказига пахтакор ва механизаторлар, Янгийўл шаҳри меҳнаткашларининг вакиллари тўпланадилар. Янги ҳосил ортилган карвонлар шоду-хуррамлик билан кутиб олинади ва пахта тозалаш заводига жўнатилади. Касбга садоқат, етиштирилган мўл ҳосилдан фахрланиш ҳисси намойиш этиладиган ана шу байрам районнинг «Мовий кўллар» дам олиш зонасида давом эттирилади. Бу ерда ярмаркалар, спорт мусобақалари, бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари ташкил этилади.

Анъана тусига кириб қолган «Ўроқ ва Болға» байрами районимиз ва Янгийўл шаҳри меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзаро оталиқ ёрдамини кучайтириш, омманинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Одатда бу байрам самарали оталиқ ёрдами учун шаҳарликларни шарафлаш, уларга район партия комитети ва район ижроия комитетининг ташаккурномасини топшириш билан якунланади.

Механизаторлар уч авлодининг учрашувларини ўтказиб туриш ҳам районимизда қарор топган янгича анъаналардан биридир. Ўрта Осиё машина синаш станцияси партия ташкилоти томонидан ҳар йили ўтказилаётган бу учрашувларда уч авлод вакили бўлган юздан ортиқ механизатор қатнашади. Республикамизда пахтачиликни комплекс механизациялаш байроқдорларидан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Тюпко, ўз меҳнат фаолиятини механизаторликдан бошлаган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Партия XXI съезди» колхози раиси М. Мараҳимов ва бошқа ветеран механизаторлар учрашувда иштирок этадиган ёшларга пахтачиликни комплекс механизациялаш тарихи, ҳозирги вақтда бу соҳада эришилган жуда катта ютуқлар ҳақида сўзлаб берадилар. Учрашувда ветеран механизаторлар шарафланади. Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг битирувчилари кекса авлод ишини садоқат билан давом эттиришга, қишлоқда қолиб механизаторлик касбини улуғлашга ваъда берадилар.

«Коммунизм», Ленин номли, «Интернационал» колхозларида Улуғ Ватан урушида бахтимиз, эркимиз учун ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ёдгорликлар ўрнатилган. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида Калинин номли колхозда ҳам ана шундай ёдгорлик очилди. Ёдгорликлар олдида ёшларнинг хотирасида бир умр сақланиб қоладиган тантаналар, пионерга ва комсомолга қабул қилиш, Совет Армияси сафига кузатиш каби маросимлар тез-тез ўтказиб турилибди.

А. Ортиқов қишлоқ Совети ижроия комитетининг янги маросимларни ҳаётга татбиқ этиш соҳасидаги тажрибаси диққатга сазовордир. Қишлоқда янги туғилган чақалоқларни рўйхатга олиш, совет паспортларини топшириш, йигитларни Совет Армияси сафига кузатиш партия, совет ходимлари, кенг жамоатчиликнинг актив иштирокида тантанали вазиятда ўтказилмоқда. «Ленинизм» колхози шофери Ислом Ҳожиев ва болалар боғчасининг тарбиячиси Маъмура Ризаеванинг никоҳ тўйлари замонамизга мос руҳда ўтди. Келин-куёвнинг никоҳи «Бахт уйи»да тантанали расмийлаштирилгач, ёшлар тўй ўтказиладиган жой — колхоз боғига йўл олдилар. Уларни бу ерда ота-оналари, қариндош-уруғлар, азиз меҳмонлар — партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ёшлар кутиб олдилар. Келин-куёв яхши ният билан мевали дарахт кўчатлари ўтқазди. Тўкин дастурхон устида уларни ёру-дўстлари, қаҳрамон оналар, ветеранлар самимий қутлаб, тотли умр, бахт-саодат тиладилар. Куй қўшиққа, шўх рақсга уланиб, бахт кечаси қатнашчиларига завқ-шавқ бағишлади. Тўйнинг ичкиликсиз, шоду-хуррамлик билан ўтганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Янгича урф-одат ва маросимларни ҳаётга жорий этишда кенг жамоатчиликка таянмай туриб кўзланган натижага эришиб бўлмайди, албатта. Бу йил район партия комитетининг бюро мажлисида Ниёзбош қишлоқ Совети ижроия комитети ва Ленин номли колхоз партия комитетининг бу соҳадаги фаолияти кўриб чиқиб, маъқулланди ва барча қишлоқ, посёлка Советлари, колхоз ва совхозларда уларнинг тажрибасини кенг ёйишга қаратилган тадбирлар комплекси тасдиқланди.

Район партия ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумлари қарорларини бажара бориб, меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш, хурофотларга қарши кескин курашда турли усуллардан фойдаланишга ҳаракат қиляптилар.

Бироқ ҳаётимизда улкан социал ўзгаришлар юз берганлигига қарамай ҳали ҳам турмушда эскириб қолган анъана, урф-одат ва маросимлар учраб турипти. Айрим қишлоқ ва посёлка Советлари социалистик маросим ва анъаналарнинг мазмуни, унинг таъсирчанлиги тўғрисида етарлича ғамхўрлик қилмаяптилар.

Биз ана шу камчиликларни бартараф этиб, идеология соҳасидаги бутун ишимизни кишиларда илмий-материалистик дунёқарашни шакллантиришга, уларни чуқур эътиқодли, партия ғояларига садоқатли қилиб тарбиялаш мақсадларига йўналтиравeрамиз.

**Л. АЛИҚУЛОВА,**
**Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари.**

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРГА АСОСЛАНИБ

## ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРГА АСОСЛАНИБ

*Партком ва кўп нусхали газета*

Бирлашмамиз кўп нусхали газетасининг деярли ҳар бир сонида «Социалистик мусобақа кундалиги», «Мажбуриятларнинг бажарилишини текширамиз», «Беш йиллик илғорлари» рубрикаларига кўзингиз тушади. Илғор тажрибани кенг пропаганда қилиш «Тракторостроитель» учун асосий мавзуга айланган. Биз партия комитетида редакция иш планларини тасдиқлаш пайтида ҳам ишчилар, инженер-техник ходимларнинг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш ҳаракати, маҳсулот таннархини арзонлаштириш, иқтисодий тежамкорликни кучайтириш масалаларининг ёритилишига алоҳида эътибор берамиз.

Кейинги пайтда кўп нусхали газетамизда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини кенг оммалаштиришга катта аҳамият берилмаяпти. Жумладан, «Тракторостроитель» сонларидан биридаги қўш саҳифа трактор йиғув цехининг Орифбой Жумақулов бошлиқ бригадаси иш тажрибасини ёритишга бағишланди. Бу коллектив бирлашмада энг яхшилардан бири ҳисобланади. Бригадада ишчилар сонини камайтириш, илғор иш усулларини жорий этиш ҳисобига ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан 1,5 процентга ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча ярим процентга камайтиришга муваффақ бўлинди. Қўш саҳифада уларнинг бу иш тажрибалари чуқур очиб берилган.

Бригада пудратини жорий этиш, уни такомиллаштиришга бағишланган «Биринчи сафларда», «Бригада резервлари», «Илғор тажриба ва меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формалари» ва бошқа мақолалар бирлашмамиз ишчи-хизматчилари томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

Ҳозирги пайтда бирлашмамизда 500 дан кўпроқ бригада пудрат усулида меҳнат қилмоқда. Улар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда юқори натижаларга эришмоқдалар. Бригадаларнинг илғор иш тажрибаларини пропаганда қилишда кўп нусхали газета редакцияси партия комитетимизга катта ёрдам бермоқда.

КПСС Марказий Комитетининг март ва апрель (1985 йил) Пленумларида ишлаб чиқаришни тубдан такомиллаштириш, фан ютуқлари, илғор технологияни кенг жорий этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шунинг учун партия комитетимиз кўп нусхали газета редакцияси фаолиятини партиянинг ана шу кўрсатмаларига йўналтириб турибди. «Тракторостроитель»нинг кейинги сонларида иш жойини аттестациядан ўтказиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этишга қаратилган қатор материаллар эълон қилинди. Газета бирлашма ишчи-хизматчиларига иш жойларини аттестациядан ўтказиш самарасини ёрқин кўрсатиб беряпти. Шу мавзуга бағишланган материалларда бирлашмада мингдан кўпроқ иш жойи аттестациядан ўтказилганлиги, бунинг натижасида 400 минг сўмлик машина-ускуналардан тўла қувват билан фойдаланилмаётганлиги ҳақида ҳам гап борди. Бу материаллар машина-ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини кескин ошириш учун барча резервларни ишга солишга хизмат қилмоқда.

«Тракторостроитель»да беш йилликнинг якунловчи йилида икки кун тежалган материаллар ва хом ашёлар ҳисобига ишлаш учун авж олиб кетган ҳаракатни кенг ёритишга ҳам катта эътибор беряпти. Иқтисодий тежамкорликни кучайтириш ҳаракати оммалашаётганлиги яхши натижа беряпти. Ўтган йилнинг ўзида бирлашмада салкам 1,5 минг тонна металл прокати, 500 минг киловатт-соат электр энергияси, 2573 тонна шартли ёнилғи, 4342 гигакалорий иссиқлик энергияси тежалган эди. Кўп нусхали газета материалларида бу йил иқтисодий тежамкорликни янада кучайтириш зарурлиги уқтириляпти.

Биз ҳали кўп нусхали газетамиз фаолиятида қатор камчиликлар мавжудлигини ҳам айтишимиз керак. Илғор тажрибани ёритиш айрим ҳолларда изчил олиб борилмайди, ўз вақтида бошланган муҳим ташаббуслар редакция ходимлари эътиборидан четда қолади. «Тракторостроитель» ўз чиқишлари таъсирчанлигини ошириш учун ҳам қатъий кураш олиб бориши керак. Бу соҳада бирлашмамиз партия комитети зарур ёрдам кўрсатаётган бўлишига қарамай газета редакциясида баъзи ҳолларда бошланган ишни охиригача етказиш учун қатъият етишмаяпти. Партия комитети газетадаги бу камчиликларни бартараф этиш учун зарур чораларни кўрмоқда.

**Х. ШАГИЕВ,**
**«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.**

## МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОИЙ АКТИВЛИК

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

**«Партия маорифи, оммавий-сиёсий ўқиш шохобчалари ишининг услубини ўзгартириш лозим. Машғулотларнинг актив формалари бутун чоралар билан ривожлантирилсин, бу машғулотларга катта амалий йўналиш бахш этилсин...» КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленумининг бу кўрсатмалари областимиз партия ташкилотларида изчил амалга оширилмоқда.**

**«Госкомсельхозтехника» Чиноз район бирлашмаси пропагандисти Ю. П. Захаров штатсиз мухбиримиз Ҳ. Сулаймонов билан суҳбатда июнь Пленуми талаблари асосида сиёсий ўқув тингловчиларининг меҳнат ва ижтимоий активликларини ошириш учун олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берди:**

— КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида раҳбарнинг идеологик, оммавий-сиёсий ишларда актив иштирок этиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Пропагандистлик фаолияти аввало менга — кишилар билан ишлашни, уларнинг лаёқати, ишчанлиги ва қобилиятини, назарий билимларни амалиётга нечоғлик боғлай олишларини билишга ёрдам бермоқда.

Мактабимиз тингловчилари яқинда тугалланган ўқув йилида «Марксча-ленинча фалсафа» курсининг иккинчи бўлими — «Ижтимоий онг, унинг структураси ва жамият ҳаётидаги роли» мавзусини ўргандилар. У меҳнат коллективлари фаолиятига бевосита боғлиқдир. Чунки онгли, актив, ташаббускор ходимлар ишлайдиган коллективдагина юксак пировард натижага эришиш мумкин.

Сиёсий ўқув машғулотларида 32 тингловчи актив иштирок этди. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш новаторлари ва пешқадамларидир. Масалан, улардан Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати, слесарь М. Тўлаганов, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори, ёнилғи аппаратуралари бўйича слесарь И. А. Спирин, устахона мудири Л. А. Пак, мелиоратив отряд тракторчи-бульдозерчиси, «СССР Госкомсельхозтехникаси аълочиси» Э. Мирзаалиев ва бошқалар коллектив фахри ҳисобланишади. Кўп жиҳатдан уларнинг куч-ғайрати, ташаббускорликлари, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишлари туфайли беш ойлик план зиёдаси билан адо этилди. Умуман, бирлашмамизда ўн биринчи беш йиллик топшириқлари ҳам муваффақиятли бажарилмоқда.

Ўтказилган машғулотлар тингловчиларнинг оммавий-сиёсий активлигини оширишга ҳам хизмат қилди. Улардан пайвандчи Ш. Шоаҳмедов чўтка цехида, мастер М. Файзиев устахонада, мастер В. Драевский эса аппарат цехида агитаторлик қилмоқдалар. Уларнинг КПССнинг ички ва ташқи сиёсати ҳақидаги суҳбатлари ишчиларда яхши таассурот қолдирмоқда.

Мактабимиздаги якунловчи машғулот юқори савияда ўтди. Биз тингловчилар билан «Коммунистик қурилишда марксча-ленинча идеологиянинг роли» мавзусида савол-жавоб ўтказдик.

Якунловчи машғулотда иш жойида тартиб ва интизомни мустаҳкамлашда меҳнат коллективининг ролини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор берилди. Тингловчилар ҳали ҳам ремонтчилар ўртасида ичкиликбозлар, ишга кеч қолувчилар, бошқа тартиббузарлар борлигини уқтириб ўтишди.

Ҳозир биз якунланган ўқув йилини чуқур таҳлил қилиб чиқмоқдамиз. Коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг сиёсий ўқуви коллектив олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилиши учун зарур тадбирларни белгилаяпмиз. КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми талаблари асосида бундан буён ҳам ўқув таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга ҳаракат қиламиз.

**Идеология ишларини янада такомиллаштириш, унинг натижадорлигини ошириш—партиянинг энг муҳим вазифаларидан биридир.**

**(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1983 ЙИЛ ИЮНЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИДАН)**



**Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда партия сиёсий маорифи ва иқтисодий таълим шохобчаларида КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми талаблари асосида ўқув самарадорлигини ошириш, уни ҳаёт билан боғлашга ҳаракат қилинди. Суратда: пропагандист У. Сафаров колхоз коммунистлари ва меҳнаткашлари билан якунловчи машғулот ўтказаяпти.**

**А. ЗУФАРОВ** фотоси.

80-ЙИЛЛАР КОММУНИСТЛАРИ

## ТАШКИЛОТЧИ ЛЕНА

Цехдагилар уни соддагина қилиб «Лена» деб аташади. Йиғилишларда сўзга чиққан нотиқлар ҳам «бизнинг Лена» деб фахр билан уни илғорлар қаторида тилга олишади. Агар бунинг боисини сўраб қолсангиз улар ўйлаб турмасданоқ Лenанинг ажойиб фазилатлари ҳақида тўлқинланиб гапиришади...

Очиғини айтганда 1975 йилнинг ёзида Тошкент Электротехника заводига шогирд бўлиб ишга келган нозиккина бу қиз келгусида корхона машъали бўлиб қолади деса, ҳеч ким ишонмасди. Лена 5-цехда уч ойгина шогирд бўлиб ишлади. Кейин слесарь-созловчи бўлди.

Цех коммунистлари Елена Алексеевнани 1982 йилда партия ташкилотига секретарь қилиб сайлашди. Энди у нафақат ўзи учун эмас, балки бутун коллектив учун ҳам жавобгар кишига айланди. Барча муваффақиятларнинг гарови меҳнат интизомида эканлигини яхши билган янги секретарь шу соҳага эътиборни кучайтирди. Бу масала партия йиғилишларининг кун тартибидан тез-тез ўрин оладиган бўлди. Учта партия группаси ва 28 нафар коммунистнинг ишлаб чиқаришдаги активлигини ошириш, КПСС аъзоларининг партиясизлар ўртасида авангардлик ролини кучайтириш партия етакчисининг доимий эътиборида бўлди. Ҳозир у меҳнат қилаётган 5-цех заводдаги энг илғор коллективлардан ҳисобланади. Бунда шубҳасиз серғайрат, ташкилотчи Лenанинг ҳам ҳиссаси катта бўляпти.

Яқинда бўлиб ўтган цех партия ташкилотининг умумий йиғилишида ҳам юқоридаги гаплар эътироф этилди.

— Цехимизда кейинги икки-уч йил ичида, — деди кекса коммунист, нормаловчи Раиса Денисова, — меҳнат интизоми тубдан яхшиланди. Сафимизда интизомбузарлар қолмади.

Ундан кейин сўзга чиққан Нина Медведева, Вера Урванова, Тамара Ешенко каби ишчи коммунистлар эса илғорлар сафининг ўсиб бораётганлиги, коммунистларнинг активлиги ошаётганлиги, бунда эса цех партия ташкилоти секретари Лenанинг ҳиссаси катта эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Илгарилари ёш коммунист Санобар Ўлмасова цехда илғор ишчилардан ҳисобланар, жамоат ишларида ҳам актив қатнашиб келарди. Бироқ кейинги пайтларда анча бўшашиб, жамоат ишларида ҳам кам қатнашадиган бўла бошлади. Ҳатто у ёш коммунистлар мактаби машғулотларига ҳам қатнашмай қўйди. Бу ҳолатни анчадан буён кузатиб юрган секретарь у билан суҳбатлашишга, сабабини билишга қизиқди.

Коммунистлар Санобарнинг пассивлашиб кетаётганлигини, бунинг оқибати ёмон бўлишини тушунтиришди. Уни дўстона танқид қилишди. В. Фельдман, Л. Кузнецова каби тажрибали коммунистлар Санобарга йўл-йўриқ кўрсатдилар. Маслаҳатлар бердилар. Бундан тўғри хулоса чиқариб олган Санобар тез орада яна илғорлар қаторига қўшилди.

— Партия ташкилотининг иши серқиррали, — дейди Елена Александровна. — Қайси бир соҳага эътибор камайса ўша жойда камчилик содир бўла бошлайди. Кейинги пайтда цех комсомол ташкилотининг ишлари талабга жавоб бермаяпти. Ёшларимизнинг ташаббускорлиги сусайиб кетяпти. Комсомол ташкилотининг йиғилишлари ўз вақтида ўтмаяпти. Ҳозир партия ташкилотимиз ана шу масала билан шуғулланиб ёшларимизнинг ташаббускорлигини оширишга асосий эътиборни қаратяпти.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Лenанинг ишлари кўп. У «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг аъзоси, Тошкент шаҳар Советининг депутати сифатида ҳам кўплаб ҳайрли ишларни амалга ошираяпти.

Елена Алексеевна ўз ҳурматини меҳнатда деб билган заҳматкаш замондошларимиздан. У ўз эътиборини тинимсиз меҳнатдан, бахтини эса коллектив бахтидан қидиради. Ана шундай беҳаловат кишилар кўплиги туфайли у ишлаётган 5-цех коллективи белгиланган планларни доимо ошириб бажариб, меҳнат коллективлари ўртасида карвонбошилик қилмоқда. Улар 1984 йил планларини барча кўрсаткичлар бўйича 106 процентга бажаришди. 1985 йил планларини ҳам ойма-ой ортиғи билан ўринлатиб келишмоқда. КПСС XXVII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа цех партия ташкилоти раҳбарлигида кун сайин авж олдириляпти. Коммунист ва комсомоллар бу беллашувнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

— Биз Лenани нафақат партия ташкилотимизнинг секретари сифатида ҳурмат қиламиз, — дейди цех бошлиғи Вениамин Фельдман. — Балки, ажойиб инсон, ёшларнинг ғамхўри, ўз касбининг жонкуяри сифатида ҳам юксак қадрлаймиз.

Ёш коммунист Елена Алексеевна Смольянинова юксак уфқлар сари дадил интилади. Тинимсиз изланади ва шу мақсад йўлида қийинчиликлардан қайтмайди. Шунинг учун ҳам муваффақиятлар бу фидокор қизга ҳамиша ёр бўлаверади.

**О. ШАМСУДДИНОВ,**
**Тошкент олий партия мактаби тингловчиси.**

АКТУАЛ МАВЗУЛАРДА

## ПЛАКАТЛАРДА ҲАЁТ НАФАСИ

**КПСС Марказий Комитети июнь (1983 й.) Пленумидан сўнг плакатларнинг ғоявий-бадиий савиясига талаб ошди. Халқлар дўстлиги орденли «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилаётган плакатларнинг мазмунини бойитиш ва сифатини яхшилаш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Бу ҳақда мухбиримизга нашриёт бош редактори, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими А. АБДУВАЛИЕВ қуйидагиларни гапириб берди:**

— Коллективимиз КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари асосида идеология иши ва коммунистик тарбиянинг актуал масалаларига оид, антикоммунистик мафкурани фош этувчи, халқлар ўртасидаги дўстлик ҳамда интернационализмга бағишланган муҳим мавзуларда адабиётлар нашр этмоқда. Пленум қарорларини пропаганда қилиш борасида тасвирий нашрлар бўлими ҳам талайгина ишларни амалга оширди. Оммани руҳлантирувчи бир қанча плакатлар нашр қилинди. Улар «Партия белгилаган режаларни амалга оширамиз», «Зарбдор меҳнат — ютуқларимиз гарови», «Меҳнатимиз билан Ватанни шарафлаймиз», «Ишчи номим билан фахрланаман», «Кадрлар — келажагимиз», каби мавзулардадир.

Ўтган давр ичида тасвирий нашрлар бўлимининг ходимлари турли саналарни меҳнатда улкан ютуқлар билан нишонладилар. Республикамизнинг 60 йиллик тўйига бағишлаб ўнлаб сиёсий плакатлар нашрдан чиқарилди. Уларни тайёрлашда нашриёт ходимларига, айниқса, Ўзбекистоннинг таниқли плакатчи-рассомларидан Ф. Кагаров, М. Калинин, В. Евенко, А. Балканов, Д. Махотин, Р. Алиев ва бошқалар катта ёрдам беришди.

Шу кунларда бўлим ходимлари партия ва ҳукуматимизнинг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида «Ичкиликбозлик — жамиятимизга ёт иллат» мавзуида бир неча плакатлар нашр этмоқдалар.

Плакат бўлими ижодкорлари зарарли, эскича урф-одатларга қарши курашиш, турмушимизда янгича анъаналарни қарор топтириш борасида ҳам бир қанча ишларни амалга оширмоқдалар. Бу мавзуда 20 та плакат тайёрланди.

ТУРАР ЖОЙЛАРДА ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ТАДБИРЛАР

## АГИТМАЙДОНЧА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Кечки пайтларда бу ер ҳамиша гавжум бўлади. Навбатдаги суҳбат ўтказиладиган кунда ҳам Гайдар кўчасидаги агитмайдончага корхона ва ташкилотларнинг хизматчилари, пенсионерлар, уй бекалари тўпланишди. Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. Абдуллаев «КПССнинг бўлажак XXVII съездини муносиб кутиб олайлик» мавзусида лекция ўқиди. У шаҳар меҳнат коллективларида партиянинг апрель Пленуми қарорлари якдиллик билан кутиб олинганлигини, ишчилар, қурувчилар, транспортчилар «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ҳаракатига фаол қўшилиб, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётганликларини таъкидлади.

Бу микрорайон аҳолиси билан учрашувга шаҳар ташкилотларининг раҳбарлари ҳам келишган эди. Улар меҳнаткашлардан тушган саволларга батафсил жавоб бердилар. Шундан кейин чирчиқлик киноҳаваскорларнинг янги фильми намойиш қилинди.

Гайдар кўчасидаги агитмайдонча Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати оталиғидаги турар-жойларда оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказиладиган тўрт майдончанинг биридир. Ана шундай агитмайдончалар Куйбишев, Спортивная, Пионерская кўчаларида ҳам ташкил этилган.

Агитмайдончалардаги барча тадбирлар микрорайон Совети раҳбарлигида амалга оширилади. Унга комбинат директори П. Мақсудов раислик қилади. Советнинг иш плани комбинат партия комитетининг мажлисида тасдиқланган. Кейинги пайтда агитмайдончаларда «В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллиги», «Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзусидаги оммавий тадбирлар билан бирга кўчалар байрами, ўқувчиларнинг қувноқ стартлари, спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Бу ерда бадиий ҳаваскорлик коллективлари ўз концерт программаларини намойиш этдилар.

«Ўзбекхиммаш» заводи оталиғидаги 5 та агитмайдончада ҳам аҳоли ўртасида диққатга сазовор сиёсий-тарбиявий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда лекция ва суҳбатлар, савол-жавоб кечалари уюштирилади. Кинофильмлар намойиш қилиниб, ҳаваскорларнинг чиқишлари ташкил қилинаяпти.

Коммунист Г. Королёва мудирлик қилаётган Советская кўчасидаги агитмайдончада «Ҳушёрлик — ҳаётимиз мезони» мавзусида ўтказилган суҳбат микрорайон аҳолисида катта қизиқиш уйғотди. Завод врачлари Д. Тўйчиева ва Г. Абазовлар ичкиликнинг инсон саломатлигига зарари ҳақида гапириб бу иллат ишлаб чиқаришга қандай зиён етказаётганлигига конкрет мисоллар келтирдилар. Суҳбат ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни янада кучайтиришга қаратилган жонли мулоқотга айланиб кетди.

— Меҳнаткашларнинг бу таклифлари асосида агитмайдончалар фаолиятини такомиллаштириш чораларини кўрмоқдамиз, — дейди Чирчиқ шаҳар партия комитетининг секретари Н. К. Савченко. — Ҳозир 13 та микрорайонда 52 та агитмайдонча ишлаб турибди. КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми талаблари асосида улардан аҳоли турар-жойларида оммавий-сиёсий ишларни планли равишда йўлга қўйиш мақсадларида фойдаланамиз. Уларда баҳордан қишгача мунтазам турли мавзуларда суҳбатлар, савол-жавоб кечалари бўлиб турибди.

**А. НОСИРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.**

# БОҒ БОҚҚАННИ БОҚАДИ

ХУДОЙНАЗАР отанинг боғдорчилик агрономи бўлиб ишлашга унчалик кўнгли йўқ эди. Чунки кейинги пайтларда бригадирлик қилишнинг ўзи ҳам унга анча оғирлик қилаётганди. Агрономликни қабул қилса, бир неча бригаданинг ташвиши зиммасига тушади, уларнинг ишини назорат қилиш, тез-тез йўл-йўриқ кўрсатишнинг ўзи бўлмайди. Буниси ҳам майли, янги вазифага ўтгач бригадасидаги боғнинг ҳоли нима кечади. Ахир йиллар давомида яратган узумзорларини кимнинг қўлига топширади? Шу лаҳзада шогирдлари отанинг ёдига тушди-ю, боядан буён ўзидан жавоб кутаётган раисга юзланди.

— Майли, буёғига розиман, лекин ўрнимга кимни қолдиришни ўзимга қўйиб берсангиз.

Раис кекса боғбоннинг гапини қайтара олмади, розилик берди.

Худойназар ота эртаси куни бригада аъзоларини бир жойга тўплаб мақсадини айтди. Сўнгра қўйнидан янги матога ўроғлиқ токқайчи чиқариб, уни бригаданинг ёш, аммо анча меҳнаткаш аъзоси Иброҳим Нурҳожиевга узатди.

— Бу қайчи менга устозимиз, машҳур боғбон Ризамат отадан ёдгорлик эди. Энди уни сенга топшираман. Мақсадимни тушунгандирсан. Ишончимни оқлайсан, деган умиддаман.

...Иброҳимнинг қалбини алланечук ғурур, ифтихор қамраб олди. Шу ҳаяжон ичра боғ оралар экан, бутун куч-ғайратини ўзига билдирилган ишончни оқлашга, ҳосилдорликни янада оширишга қаратишга сарфлаш лозимлигини ҳис этди. Шу ният билан бригада боғбонлари билан ҳамкорликда дадил ишга киришди.

Айни баҳор пайтида рўй берган бир воқеа Иброҳимнинг ёдидан сира чиқмайди. Ўша куни бригада аъзолари кўчат экиш ишларини қизғин давом эттиришарди. Бирров хабар олгани шу томонга ўтган Худойназар ота уларнинг ишларини кўриб, мамнун бўлди. Бироқ таги анча чуқур кавланган бир туп серзанг кишмиш узум токини кўриб ҳайрон бўлди. Сўнгра «Бу токни нега кундаков қилаяпсизлар», деб сўради.

— Қариб қолган экан,— деди Иброҳим устозига савол назари билан қараб.— Бундан ташқари шунча токнинг ичида бир туп кишмиш нима қилади?

— Унда чакки қиласан. ўғлим,— Худойназар ота афсус билан бош чайқади. Сўнгра унинг диққатини боғ ичкарисига жалб қилди.— Токзорга яхшилаб разм сол. Ҳар ер—ҳар ерда кишмиш борлигини кўраяпсанми? Энди яхшилаб билиб ол, узумни чанглатишда кишмишдан зўри йўқ. Бир гектар ерда 6—8 тупдан кишмиш бўлса, узум гулга кирганда унинг хосияти туфайли яхши чангланади, меваси чочоқбош бўлиб қолмайди, ҳосилдорлиги ҳам ошади.

Худойназар ота ўз сўзларини бошқалар ҳам диққат билан эшитаётганлигини сезиб сўзлашда давом этди:

— Яна бир нарсани унутманглар, баъзи бир токлар серзанг бўлса, яхши ҳосил беради, баъзилари эса зангни ёқтирмайди. Масалан, тоифи билан ҳусайни зангни ёқтиради. «Баян ширей», «Қирмизка», «Победа» навларида янги навда бўлмаса, ҳосил олиб бўлмайди. Шунинг учун кузда токни кесганда ҳар бир навнинг ўз хусусиятини эътиборга олиш керак.

## УСТОЗ ВА ШОГИРД

Устозининг беғараз ўгитларини тинглаб Иброҳимнинг кўнгли кўтарилди. У билан ёнма-ён юриб, бригадада қилинаётган ишларни бирма-бир кўрсата бошлади. Хайрлашиш олдидан анчадан буён ўзини ўйлантириб келаётган масала хусусида сўз очди.

Кейинги пайтларда хўжаликда меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш ҳақида кўп гаплар айтилган бўлса-да, иш услуби ҳамон эскичалигича қолиб кетмоқда эди. Деҳқонларга меҳнат натижасига қараб эмас, балки иш кунини ҳисобга олинган ҳолда ҳақ тўланарди.

— Колхоз правлениесининг навбатдаги йиғилишида иш услубини янгилаш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимни ўртага ташласам қандай бўларкин?— деди Иброҳим Худойназар отага маслаҳат солиб.— Бошқалар мени қўллашармикин?

— Хўш, нега қўллашмас экан?— Худойназар ота Иброҳимга диққат билан тикилди.— Нега истихола қиласан? Ҳақ гапни айтган одамдан ким ҳам хафа бўлиши мумкин? Қайтага сени кўпчилик қўллаб-қувватлайди.

Ҳақиқатан ҳам бир неча кундан сўнг боғдорчилик, сабзавотчилик бригадаларининг бошлиқлари, ферма мудирлари иштирокида бўлган йиғилишда Иброҳим меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш устида, бригада пудратининг афзалликлари ҳақида гапириб берди, бригадаси шу усулга ўтиб ишламоқчи эканлигини айтди.

Сўнгра колхоз раиси Сиддиқ Муҳаммаджонов ҳам ўз фикрини билдирди. Тузилган шартномага кўра бригада аҳли ҳосилга қараб даромад олишини, колхоз правлениеси ўғит, техника ва бошқа зарур нарсаларнинг ҳаммасини етарли миқдорда етказиб беришини, ҳар гектар ердан 15 тонна ҳосил олиш учун уларга минг сўм берилиши белгиланганлигини айтиб ўтди. Шундан ортиқ топширилган ҳосилнинг 50 проценти бригадага мукофот тариқасида берилади. Борди-ю, бригада планни бажаролмаса, иш ҳақининг маълум проценти ушлаб қолинади.

Янги усулга ўтган бригада аҳли тадбиркорлик билан меҳнат қилди. Коллективда ҳамма бир мақсад йўлида жон куйдириб ишлайдиган бўлиб қолди. Айрим бригадаларда боғ юмушлари кўпайиб, боғбонларнинг қўллари қўлга тегмай қолган вазиятда Иброҳим Нурҳожиев бошлиқ бригада аҳли бафуржа иш юритиб, ўзгаларга ҳам ёрдам қўлини чўза олди. Шу тариқа йиллар ўтиши билан бригада токзорлари, эски олмазорлар ҳисобига янада кенгайди.

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозининг И. Нурҳожиев бошлиқ бригадаси коллективи бу йил ҳам эзгу ният билан боғдорчилик ишларини авж олдирмоқдалар. Улар областимизнинг бир группа ташаббускор сабзаводкор-боғбонлари изидан бориб, бу йил ҳам узумдан мўл ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Токларни хомток қилиш ишлари юксак савияда бажарилди. Айни кунларда қатор ораларига ишлов бериш, суғориш, озиқлантириш каби тадбирлар юқори агротехника қоидалари асосида ўтказилмоқда. Бу ишларни амалга оширишда Мулланазар Султонов, Хусниддин Зайниддинов, Муҳаммаджон Холматов сингари тажрибали соҳибкорлар билан ҳамкорлик қилиш яхши натижалар бермоқда.

—Боғ боққанни боқади,— дейди Иброҳим Нурҳожиев.— Устознинг бу сўзлари ҳамиша биз учун йўлчи юлдуздир. Биз ваъдамизнинг уддасидан чиқиш учун маҳоратимиз, тажрибамизни аямаймиз.

**Ғ. АСАТУЛЛАЕВ.**

# КИЧКИНТОЙЛАР ОЛДИДА УЯТГА ҚОЛМАНГ

ОҲАНГАРОННИНГ 4-микрорайонидаги болалар боғчаси қурилиши ҳақидаги хушхабар тезда ёйилди. Бу микрорайон аҳолисининг қувончи чексиз бўлди. Чунки фарзандларига қаровчи бўлмаганлиги сабабли юзлаб аёллар уйда ўтиришарди. Уларнинг кўпчилиги қўлларида дурустгина ҳунарлари бўлса ҳам шунга мажбур эдилар.

Ҳақиқатан ҳам тез орада бўлажак боғча биносининг котлованини қазиш ишлари бошланиб кетди. Дастлабки пайтларда иш жадал олиб борилди. Бироқ, ўтган йилнинг декабрида бошланган ёғингарчилик қурилишни чўзгандек бўлди.

— Ҳа,— дейишди оналар,— бир ой олдин бўлмаса, бир ой кейин қурилса ҳам майли, июнь ойларигача битиришар экан, шунча йил кутган яна бир ой ортиқча кутсак ҳеч нарса қилмайди.

Аммо орадан кўп ўтмай уларнинг қувончи сўна бошлади. Март ойи тугабдики, бинони тиклаш ишлари бошланишидан дарак йўқ эди. Ниҳоят 10 апрель куни котлован устига темир-бетон устунлар ўрнатила бошланди.

Ёш болали, фарзандлари боғча ёшидаги оилалар шундан кейин яна бироз қувонишгандек бўлишди.— Ана энди ишлар юришиб кетса керак,— дейишди улар. Яна икки ой вақт ўтди. Лекин ҳозир ҳам устунларни ўрнатиш охирига етказилмаган.

Қурилишнинг чўзилиш сабаблари нимада? Шуни аниқлаш мақсадида объект томон йўл олдик. Бу ерда Ғулом Қурбонов бошлиқ комплекс бригада аъзолари ишлашаётган экан. Саломаликдан сўнг ишларнинг қандай кетаётганлигини суруштирсак, бригадирнинг фиғони фалакка чиқиб кетди.

— Ишимиздан кўнглимиз тўлмаяпти, ҳеч бир маромга тушолмаяпмиз. Таъминотдаги нуқсонлар сабаб бўлмоқда. Шунинг учун бир соат ишласак, кўпинча икки соат бекор туришга мажбур бўлмоқдамиз. Кўпинча иккинчи даражали, яна ҳеч қандай малака, маҳорат талаб қилмайдиган ишлар билан ўралашиб қоляпмиз. Оқибатда ишимизда унум бўлмаяпти. Бундан ҳамма— давлат ҳам, биз бинокорлар ҳам зарар кўряпмиз. Айниқса, боғчанинг ишга тушишини сабрсизлик билан кутаётган оилаларни айтмайсизми?

Бригадирнинг куюниб гапирганича бор экан. Боғчани лойиҳалаш, қуришдаги камчиликлар, чалкашликлар, айрим ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг бу муҳим объектни бунёд этиш ишига совуққонлик билан муносабатда бўлаётганликлари, бинокорлик материаллари етказиб берувчи корхона раҳбарларининг буюртмаларни вақтида бажаришга эътиборсизликлари шундай ачинарли аҳволнинг содир бўлишига олиб келмоқда.

Фикримизнинг далили учун етарли мисоллар келтириш мумкин. Ёрдамчи пудратчи ташкилотлардан 3-механизациялашган кўчма колонна раҳбарларининг лоқайдлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Улар шу объектда нисбатан кичик ҳажмдаги ўз вазифаларини ҳам тўла уддалашмади. Ишни ўлда-жўлда қолдириб кетдилар. Боғча пойдевори учун котлован қазишни охирига етказмадилар. Натижада бош пудратчи вакили ҳисобланган Ғулом Қурбонов раҳбарлигидаги бригада аъзолари уларнинг талай ишларини тўғрилашга мажбур бўлдилар.

— Аввало, объектларни қуриш ишлари котлован қа-

## ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

зишдан бошланади,— дейди бош пудратчи «Узбекшахтастрой» тресты 1-механизациялашган кўчма колоннаси меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг катта инженери Людмила Ким.— «Узстроймеханизация» трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси бинокорлари бино котлованини қазиш ишларини ўтган йилнинг декабрь ойида тугатишлари, шу йилнинг январь ойида эса қурилиш-монтаж ишлари бошланиши керак эди. Шу колонна раҳбарлари эса бу ишни вақтида бошлашга ваъда бердилар-у, лекин ўз сўзларига амал қилмадилар. Бўлар-бўлмас баҳоналарни рўкач қилиб уни бошлашни пайсалга солавердилар. Бунинг оқибатида вақтдан тўрт ой ютқаздик. Бу ҳазилакам гап эмас. Шу муддат ичида жуда бўлмаганда биноларнинг корпусларини пардозлаш ишларини бошлашга тахт қилиб қўйиш мумкин эди.

Тўрт ой кечикиб бўлса ҳам котлован қазиш ишлари тугалланди. Лекин бунёдкорлик ишларининг шундан кейинги суръати ҳам талаб даражасида эмас-ку?! Яна ўша касаллик — бинокорлик материаллари етказиб беришдаги пала-партишлик давом этмоқда. Бунинг асосий сабаби бино қурилишининг технологик тартибини била туриб, унга амал қилмаслик, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш тутишдир.

Буни 1-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи И. Эргашев қуйидагича шарҳлайди:

— 280 ўринли бу боғча қурилишида 426 минг сўм капитал маблағ ўзлаштирилиши керак. Ҳозиргача бу маблағнинг бор-йўғи 170 минг сўми сарфланди. Қурилишнинг чўзилишига темир-бетон конструкцияларининг кеч етказиб берилаётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли «Узглавстройиндустрия» билан ўртада тузилган шартномага мувофиқ боғча қурилишига ҳаммаси бўлиб 1183 куб метр турли туман темир-бетон буюмлари етказиб бериши керак эди. Лекин бош бошқарма корхоналари бу ишда сусткашлик қилишмоқда .Шу сабабли ҳозиргача 860 куб метр етказиб берди, холос. Уларни ҳам ишлатиб бўлмайди, чунки барчаси комплектланмаган, стандарт эмас. Девор плиталари ҳар хил ҳажмда, бир-бирига тўғри келмайди. Бу ҳам майли-я, ганч бетонли йиғма тўсиқларни вақтида қурилиш майдонига етказиб беришмаяпти. Шу вақтгача пландаги 58 дона ўрнига 22 дона олиб келинди. Бевосита трестимизга қарашли 3-темир-бетон буюмлари заводи раҳбарларининг бундай позициялари кишини ҳайратга солади.

Боғчанинг ишга тушиши қатор махсус материалларнинг ҳам вақтида етказиб берилишига боғлиқ. Жумладан, кўплаб энергетика ва электротехника анжомлари керак бўлади. Икки комплект трансформатор, турли марка ва узунликда кабель симлари, вентиляторлар, хуллас яна 15 хил номдаги бошқа буюмлар тахт қилиб қўйилиши лозим. Ҳозиргача бу маҳсулотлар қурилиш майдонига келтирилган эмас.

Шундай камчиликлар бор экан, боғча қурилиши суст давом этаверади. У охирги муддат — учинчи кварталда ҳам фойдаланишга топширилмаслиги турган гап.

Боғча қурилишини жадаллаштириш, унинг фойдаланишга топширилишини тезлаштириш учун барча имкониятларни ишга солиш ҳамма меҳнат коллективларининг муҳим вазифасидир.

**А. ҒУЛОМОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**



◆ **ШОИРА РАҲИМОВА** Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз фермасида меҳнат қилади. У КПСС XXVII съезди шарафига 27 зарбдор ўн кунлик ўтказиш юзасидан бошланган ватанпарварлик ҳаракатига қўшилиб, сигирлар маҳсулдорлигини ошириш учун курашмоқда. Ўзига биркитилган соғин сигирлардан кунига ўн литрдан сут соғиб олаётир. Суратда: Ш. Раҳимова.

А. Зуфаров фотоси.

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

### «ДАВЛАТ ТРАНСПОРТИ ДАҲЛСИЗ»

**Газетанинг 22 май сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган рейд мақолада давлат транспортидан ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланаётган қатор шахслар танқид қилинган эди. Ушбу мақолага Тошкент шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш бош бошқармасига қарашли 2-автокомбинат директори М. С. Левиндан жавоб олинди. Жавобда айтилишича, мақола юзасидан текшириш ўтказилган. 50—68 ТНА номерли «Волга» автомашинаси ҳақиқатан ҳам 2-автокомбинат томонидан республика турар-жой хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмасига биркитилган. Машина шофёри Олим Сиддиқов бирлашма раҳбарларининг назорат қилмаслигидан фойдаланиб, киракашлик билан шуғулланган.**

**Давлат машинасидан ўз манфаати йўлида фойдаланганлиги учун О. Сиддиқов вазифасидан четлаштирилди. Бундан ташқари ҳайдовчилар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш, ҳар бир енгил машинадан белгиланган мақсадлардагина фойдаланиш борасида назорат қилишни кучайтириш тадбирлари белгиланди.**

# ҲАШАРЧИЛАРНИ КУТИБ ОЛИШГА ШАЙМИСИЗ?

ДЕҲҚОНЧИЛИКДА олдиндан катта гапириб бўлмайди. Аммо ер-сувдан, техникадан, илғор тажрибалардан оқилона фойдаланиб, қатъий агротехника қоидалари асосида иш юритган деҳқон ҳар қандай шароитда ҳам ўз мақсадига эришади. Областимиз деҳқонлари ўтган йили ҳам фидокорона меҳнат эвазига пахтазорлардан мўл ҳосил етиштирдилар. Ана шу ҳосилни нес-нобуд қилмай, ёғин-сочинли кунларга қолдирмай ўз вақтида йиғиб-териб олишда турли саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, олий ва ўрта ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар талабалари, мактаб ўқувчилари уларга кўмакдош бўлишди. Далада пахтакорлар билан ёнма-ён ишлаб, давлатга мўл, эртаги, тола сифати анча яхши қимматбаҳо хом ашё етказиб беришдек муҳим ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Бироқ, минг афсуски, кўпчилик хўжаликларда беминнат ҳашарчиларнинг янада унумли меҳнат қилишлари учун кўнгилдагидек шарт-шароитлар яратиб берилмади. Улар наридан—бери жиҳозланган, санитария-гигиена талабларига тўла жавоб бермайдиган дала шийпонларига, клублар, мактабларга ва қуртхоналарга жойлаштирилди. Медицина, савдо, маиший хизмат кўрсатиш ишлари намунали ташкил этилмади. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам катта камчиликларга йўл қўйилди. Шунингдек, ҳашарчилар учун қулай меҳнат фронти яратилмади. Улар далалардан ҳосил териб олингандан кейин ҳам беҳуда ушлаб турилди. Натижада ҳашарчиларнинг меҳнат унумдорлиги пасайиб, хўжаликлар ортиқча маблағ сарфлашга мажбур бўлдилар. Маҳсулот таннархи қимматлашиб, рентабеллик пасайиб кетди. Бу ҳоллар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва республика қишлоқ хўжалиги ходимлари кенгашида таъкидланганидек, хўжаликлар экономикасига салбий таъсир қилиб, деҳқонларнинг ҳақли эътирозларига сабабчи бўлди.

Ҳашарчиларни, хусусан, студент-ўқувчиларни кутиб олиш, уларга қулай маиший шароитлар яратиб бериш борасидаги камчиликлар «Учительская газета»нинг 1984 йил 15 ноябрь сонида босилган «Пахта далаларидаги нуқсонлар» сарлавҳали мақолада ҳам ҳақли равишда танқид қилинди. Мақола Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида кўриб чиқилиб, муҳокама этилди. Рўй берган хатоларни тугатиш ва 1985 йил пахта терими даврида бундай нуқсонларнинг олдини олиш юзасидан область, район партия ва ижроия комитетларига, қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва агросаноат бирлашмаларига ҳамда пахта етиштирувчи хўжаликларга аниқ кўрсатмалар берилди.

Яқинда область ижроия комитети ана шу тадбирларнинг қандай бажарилаётганлиги билан қизиқди. Шу мақсадда тузилган комиссия аъзолари Ғалаба ва Бўка районларида бўлиб, хўжаликларда ҳашарчиларни кутиб олиш учун тайёргарлик ишларининг бориши билан танишдилар. Афсуски, текширишлар натижаси область ижроия комитетининг қарори ниҳоятда суст амалга оширилаётганлигини кўрсатди.

## Бу ҳақда ҳозирдан қайғуриш керак

Ўтган йили ғалабалик пахтакорларга Оҳангарон районы, Оҳангарон шаҳри, пойтахтимизнинг Куйбишев районы ишчи-хизматчилари, ўқувчи-ёшлари ҳамда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти талабаларидан иборат 13 минг ҳашарчи, жумладан, 3,8 минг ўқувчи, 2,8 минг студент мададкор бўлган эди. Район меҳнаткашлари бу йил ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пахта теримига ўтган йилгидан икки баравар кам ҳашарчи жалб қилишни мўлжалламоқдалар. Бу, яхши, албатта. Аммо район раҳбарлари худди шунга асосланиб бамайлихотир юришганга ўхшайдилар. Чунки ҳозирга қадар хўжаликларга ҳашарчилар учун жой ҳозирлаш, зарур инвентарларни тайёрлаш юзасидан район ижроия комитети ва қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан ҳеч қандай кўрсатма берилмаган, бирорта ҳам хўжаликда тайёргарлик ишлари бошланмаган. Бу энг аввало мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашаётганликларидан далолат беради. Лоқайдликни қарангки, бу йил шаҳарлик ёрдамчиларга қулай шароитлар яратиб бериш юзасидан район агросаноат бирлашмаси Советининг раиси А. Шерматов томонидан имзоланган тадбирларда асосан ҳашарчилар қаерга жойлаштирилиши ва бу вазифани бажариш учун жавобгар шахслар, РАПО томонидан хўжаликларга биркитилган вакилларнинг исм-шарифлари қайд этилган холос. Тадбирларда колхозлар тилга олинган у, совхозлар «унутиб» қолдирилган. Қилиниши лозим бўлган ишлар графиги эса Свердлов номли колхозни истисно қилганда мутлақо тўлдирилмаган. Ҳолбуки, бу хўжалик деҳқонлари райондаги Киров номли колхоз пахтакорлари сингари бу йилги ҳосилни четдан ёрдамчи олмай, ўз кучлари билан териб олишга аҳд қилишган.

Боқи-беғамликнинг оқибати мана нималарга олиб келмоқда. Юқоридан кўрсатма ва назорат бўлмаганлиги сабабли хўжаликлар раҳбарлари амалий ишга ўтмаяптилар. «Заря коммунизма», «Ленинград», Ленин номли, Ҳамза номли, Димитров номли колхозларда ҳашарчилар учун мўлжалланган мактаб, трактор парки бинолари ва клубларнинг бирортаси ҳам ҳозирга қадар ремонтдан чиқарилмаган. «Победа», «Москва» колхозларидаги мактаб, гараж, маиший хизмат кўрсатиш биноларида бу йил пилла қурти боқилди. Шунинг натижасида хоналар ифлосланиб, бадбўй ҳид ўтириб қолди. Шундай бўлса-да, уларни ҳозирданоқ дезинфекция қилиб, тартибга келтириш тўғрисида қайғурадиган одам топилмаяпти.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидаги 6 та қуртхонадан биттасининг, Киров номли ўқув-тажриба хўжалигидаги 3 та қуртхонанинг ҳаммасини поли бетонлаштирилганлиги боисидан зах тортиб кетган. Бундай жойларда ёғин-сочинли куз фаслида ҳашарчилар, айниқса, мактаб ўқувчиларининг истиқомат қилиши мумкин эмас!

Бундай камчиликларга Бўка районы хўжаликларида ҳам йўл қўйилмоқда. Тўғри, район ижроия комитетида халқ депутатлари область Советы ижроия комитетининг қарори ўрганилиб, шу асосда йиғим-теримга жалб қилинадиган ўқувчилар учун яшаш жойларини жиҳозлаш ва маиший шароитлар яратиш юзасидан бажариладиган ишлар белгиланди. Афсуски, бу тадбирлар қоғозда қолиб кетмоқда. Унинг ижроси назорат қилиб борилмаётир. Текшириш ўтказилган 13 та хўжаликдан бирортасида ҳам район ижроия комитетининг қарори ва район санитария-эпидемиология станцияси томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар йўқлиги аниқланди. Худди шунинг оқибатида айрим хўжаликлар раҳбарлари лоақал бу йил четдан қанча ёрдам кучи олишларини ҳисоб-китоб қилиб ҳам қўймаганлар. Масалан, «Партия XX съезди» колхози партия комитетининг секретари М. Жумабоев пахта терими даврида хўжаликка қанча ҳашарчи келишини, ҳатто улар қаерга жойлаштирилишини ҳам айтиб бера олмади. Фақат ўтган йили 1500 нафар ҳашарчини кутиб олган эдик, келишсинчи, якка хўжаликлардан жой топиб берармиз, деган мазмунда мужмал жавоб берди.

Райондаги баъзи хўжалик раҳбарлари эса реал имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда кўплаб ҳашарчиларни ёрдамга жалб этмоқчи бўлиб турибдилар. Чунончи, К. Маркс номли колхозда 700 ҳашарчи учун 500 кишилик, «Кремль» совхозида минг киши учун 700 кишилик жой ажратилган, холос. «Кўкорол» совхозига 3 минг нафар ҳашарчи келиши кутилаётганлигини айтишди. Лекин совхозда фақат 500 ҳашарчи учун жой бор, қолганлар болалар боғчалари ва хонадонларга жойлаштирилар эмиш. У ҳолда боғча болалари қаерда тарбияланадилар? Болали аёллар йиғим-терим даврида қийналиб қолмайдиларми? Совхоз раҳбарлари бу масалани ҳозирданоқ ижобий ҳал этишлари даркор. Акс ҳолда йиғим-терим даврида сансалорликка йўл қўйиб, ҳашарчилар олдида хижолатга тушиб қолишлари турган гап.

Комиссия аъзолари мавсумга тайёргарлик кўриш ишлари фақат ҳашарчилар учун жой ҳозирлашдан иборат бўлиб қолмаслигини таъкидладилар. Ҳар иккала районда ҳам ҳашарчилар учун мўлжалланган ётоқхоналар талабга тўла-тўкис жавоб бермайди. Уларнинг яқин-атрофига ошхоналар, овқатланиш учун бостирмалар қуриш эътибордан четда қолмоқда. Аёллар учун гигиена кабинетлари, медицина пункти, изоляторлар, шунингдек буюмларни сақлаш ва қуритиш, кир ювиш учун хоналар ажратилмаган. Стол-стуллар, скамейкалар ясаш учун тахта-ёғоч ва бошқа материаллар ажратилмаган. Область ижроия комитетининг қарорида ҳашарчилар учун икки ярусли йиғма темир каравотлар қуриш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди. Лекин текшириш ўтказилган хўжаликлардан бирортаси ҳам шу кунга қадар йиғма темир каравотлар учун тегишли ташкилотларга буюртма бермаганлар. Иссиқ овқат ва ичимлик сув солишга мўлжалланган флягалар, бидонлар, термослар, тўшаклар, кўрпалар тайёрлаб қўйиш планлаштирилмаган.

Ҳашарчилар учун ҳар томонлама қулай, кенг ва шинам жой ҳозирлаш, улар самарали меҳнатдан сўнг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари, дам олиш соатларини мазмунли ўтказишлари учун зарур бўлган барча шароитларни муҳайё қилиш шу куннинг кечиктириб бўлмас вазифаларидан биридир. Айниқса, ҳашарчилар жойлаштирилиши мўлжалланаётган дала шийпонларини тартибга келтириб жиҳозлашга алоҳида аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда хўжаликларга амалий ёрдамни кучайтириш, масъул шахслар зиммасига аниқ вазифалар юклаш ҳамда бу топшириқларнинг бажарилишини қатъий назорат остига олиш айни муддао бўлади.

**ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РЕЙД БРИГАДАСИ.**

# ХАЛҚАРО АҲВОЛ

## УЗОҚ МУДДАТЛИ ПРОГРАММА

**Совет Иттифоқи мамлакатни ривожлантиришни жадаллаштириш, фан-техника тараққиётини ривожлантиришнинг кенг қамровли вазифаларини илгари суриб, экономикани интенсивлаш йўлига кескин буриб юборишни таъминлашни, совет халқи моддий фаровонлигини оширишни, социалистик хўжалик афзалликларидан чуқур ва ҳар томонлама фойдаланишни кўзда тутмоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашда қилган докладига чет элда ана шундай фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.**

Англиянинг **Рейтер** ахборот агентлиги хабар беради: Совет раҳбарининг қатъий услубда сўзлаган нутқи ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, КПСС мамлакатнинг жиддий иқтисодий проблемаларини ҳал этишга бел боғлаганлигини муфассал баён этиб берди. Ғарб мутахассисларининг фикрича, келгуси йилда мамлакатнинг янги беш йиллик планида ифодаланадиган стратегиянинг мақсади совет экономикасини янада самарали қилишдан иборатдир.

Совет раҳбари совет экономикасини бутун жаҳон учун уюшқоқлик ва самарадорлик намунасига айлантириш мақсадини кўзловчи йўлни эълон қилди, деб таъкидлайди **Франс Пресс агентлиги.**

**Франция телевиденнеси** қуйидагиларни таъкидлайди: Совет Иттифоқи раҳбари мамлакатдаги иқтисодий аҳволни чуқур ва танқидий таҳлил этди ҳамда давлатни социал-иқтисодий ривожлантириш юзасидан Совет Иттифоқи фаолиятининг конкрет йўналишларини белгилаб берди. Асосий диққат-эътибор олдинда турган вазифаларни ҳал этишга илмий жиҳатдан ёндашиш ҳамда экономикадаги раҳбар бўғинга талабчанликни кучайтириш зарурлигига қаратилди.

М. С. Горбачев совет экономикасини тез юксалтиришнинг узоқ муддатли программасини ўз докладида баён қилиб берди, деб таъкидлайди Италиянинг **АНСА агентлиги.**

Кенгашда СССРни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг зарурияти ички эҳтиёжлар билангина эмас, балки ташқи жиҳатлар билан ҳам тақозо этилиши таъкидлаб ўтилди, деб хабар беради Австриянинг **АПА** ахборот агентлиги. Совет Иттифоқи мамлакат мудофаасига зарур маблағлар ажратишга мажбур бўлмоқда. У қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун мумкин қадар кўпроқ куч-ғайратни бундан буён ҳам сарфлайверади. Аммо империализмнинг агрессив сиёсати ва дўқ-пўписаси қаршисида ўзидан ҳарбий устунликка асло йўл қўймайди.

(ТАСС)

### БМТНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ

НЬЮ-ЙОРК, 12 июнь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тинчлик ва халқаро ҳамкорликнинг энг муҳим омили бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Шу ташкилотнинг қароргоҳида БМТ тузилганининг 40 йиллигига бағишлаб ўтказилган учрашув чоғида бир қанча мамлакатларнинг таниқли давлат ва сиёсат арбоблари шундай хулосага келдилар.

Анжуманда маъқулланган ҳужжатда, бутун инсоният борлиғини таҳдидга солаётган ядровий уруш хавфи ўсишидан ташвишланиш изҳор этилди. Шу муносабат билан БМТ уставининг асосий мақсад ва принципларини амалга ошириш ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади.

Учрашув қатнашчилари БМТга қарши душманлик хуружларини қораладилар. Маълумки, АҚШда Рейган маъмурияти ҳокимият тепасига келиши билан бундай хуружлар айниқса кучайиб кетди.

### ВАТАНПАРВАРЛАР СУД ЖАЗОСИГА ДУЧОР ҚИЛИНМОҚДА

ХАРАРЕ. Преторияда жанубий Африкадаги ирқчи апартеид системасига қарши курашаётган жамоат, касаба союз, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда активлари устидан суд мажлиси бошланди. Африкадаги таниқли жамоат арбобларидан 22 киши ‑қора курсида ўтирибди. Булар орасида Бирлашган демократик фронт бош секретари Попо Молефе ва жамоатчилик билан алоқа фронт секретари Патрик Лекота ҳам бор. Уларга «террорчилик ва давлатга хиёнат қилди» деган бир қолипдаги айб қўйилган.

Бундан олдин Питермарицбургда Бирлашган демократик фронт раҳбарларининг бошқа бир группаси худди шундай айб билан судга берилган эди. Бу мажлисда айбланган 16 киши орасида фронтнинг ҳамраислари Арчи Гумеде ва Альбертина Сисулулар ҳам бор.

(ТАСС).

### ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ПНОМПЕНЬ. Кампучия СПК ахборот агентлигининг хабар қилишича, Таиланд ҳарбийлари Кампучия Халқ Республикасига қарши хатарли қуролли иғвогарликларини давом эттирмоқда. Таиланднинг ҳарбий самолётлари июнь ойининг дастлабки олти куни мобайнида республиканинг осмон чегараларига ўн марта бостириб кирган. Таиланд ҳарбий кемалари Кампучия республикаси денгиз чегарасини 127 марта бузган.

АММОН. Исроил босқинчилари араблардан босиб олинган территорияларнинг аҳолисига қарши бедодлик сиёсатини ўтказмоқда. Иорданиянинг ПЕТРА агентлиги хабар қилишича, босқинчилар Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Фаластиннинг Бадия шаҳрини, шунингдек унга туташиб кетган бир қанча қишлоқларни қамал қилганлар. Исроил қўшинлари шу районга олиб борадиган йўлларни тўсиб қўйган.

